

ЖИНОЯТЛАРНИНГ БОШҚА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ФАРҚИ ВА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Исмоилов Ҳамдам Исмоилович

Божхона институти

“Умумҳуқуқий фанлар” кафедраси

доценти Тошкент, Ўзбекистон

Телефон рақам: +998911333116

Йўналиш: 12.00.08

Аннотация: *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2-моддасига кўра, умуминсоний қадриятлар жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объектлари бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик, маъмурий, меҳнат, молия, божхона ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг объекти эса жиноят объектидан кенгроқ ҳисобланади.*

Ушбу мақолада жиноятларнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқи ва божхона органлари фаолияти билан боғлиқ жиҳатларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф, ЖК 182-моддаси мазмунига ўзгартириш киритиш, жиноят содир этилишининг мотиви ва мақсадини қисман бекор қилиб, қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтириш, яъни давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига реал зиён етказилишининг самарали олди оlinиши ҳақидаги таклифларни илгари сурган.

Калит сўзлар: *жиноят, ҳуқуқбузарлик, жавобгарлик, жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объектлари, жиноятнинг объектив ва субъектив белгилари.*

ОТЛИЧИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ОТ ДРУГИХ ПРАВОНАРУШЕНИЙ И ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ АСПЕКТОВ СВЯЗАННЫХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНОВ

Исмоилов Ҳамдам Исмоилович

Доцент кафедры «Общеправовых дисциплин»

Таможенного института. Ташкент, Узбекистан

+998911333116

Направление: 12.00.08

Аннотация: *Согласно статье 2 Уголовного кодекса Республики Узбекистан общечеловеческие ценности являются объектами уголовно-правовой защиты. Объект гражданских, административных, трудовых, финансовых, таможенных и налоговых правонарушений шире чем объекта преступления.*

В данной статье анализируются отличие преступлений от других правонарушений и вопросы совершенствования аспектов, связанных с

деятельностью таможенных органов. Автором выдвинуты предложения по изменению содержания статьи 182 УК, частично отменить мотив и цель совершения преступления, снизить уровень общественной опасности деяния и личности, то есть эффективно предотвратить реальную ущерб экономической безопасности государства.

Ключевые слова: преступление, правонарушение, ответственность, объекты уголовно-правовой защиты, объективные и субъективные признаки преступления.

DIFFERENCES BETWEEN CRIMES AND OTHER OFFENSES AND ISSUES OF IMPROVING ASPECTS OF THE ACTIVITIES OF CUSTOMS AUTHORITIES

Ismoilov Hamdam Ismoilovich

Dosent of Customs Committee

Customs Institute Department of "General legal sciences"

Tashkent, Uzbekistan

Telephone number: +998911333116

Direction : 12.00.08

Annotation: According to Article 2 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, universal human values are objects of criminal legal protection. The object of civil, administrative, labor, financial, customs and tax offenses is broader than the object of the crime.

This article analyzes the difference between crimes and other offenses and issues of improving aspects related to the activities of customs authorities. The author has put forward proposals to change the content of Article 182 of the Criminal Code, to partially abolish the motive and purpose of committing a crime, to reduce the level of public danger of the act and the individual, that is, to effectively prevent real damage to the economic security of the state.

Keywords: crime, offense, liability, objects of criminal legal protection, objective and subjective signs of a crime.

Хуқуқбузарликлар турли-туман бўлиб, асосан, қайси хуқуқ соҳаси билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг бузилганлиги билан боғлиқдир. Хуқуқбузарликнинг жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаровий, меҳнат, оила, ҳўжалик, ер, сув, экология, ҳаво ва бошқа турлари мавжуд.

Хуқуқбузарлик кенг доирадаги қилмишлар учун бир туркумдагига тегишли бўлган тушунча ҳисобланади.

Жиноят – бу ўзининг махсус белгиларига эга бўлган хуқуқбузарликдир. Жиноят ижтимоий ҳавфлилик даражасининг юқори эканлиги билан бошқа хуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Жиноят ҳукукида жиноятларни тавсифлашда уларнинг объектив ва субъектив белгилари эътиборга олинади. Бундай белгилар бошқа ҳуқуқ соҳалари (маъмурий, фуқаролик, меҳнат ва ҳқ)да ҳам мавжуд. Бундай ҳуқуқбузарликларни бир-биридан фарқлаш, уларни чегарасини белгилаш учун формал белгилар бўлиши шарт ва бундай белгилар шахснинг жиноят, маъмурий, фуқаролик ёки интизомий ҳуқуқбузарликлардан қай бирини содир этганлигини аниқлаб олишга ёрдам беради [1.65-b].

Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарлик ўртасидаги фарқлар қуйидаги белгилар:

- а) ҳуқуқбузарликнинг объекти;
- б) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти;
- в) ҳуқуққа хилофлилик шакли;
- г) етказилган зарарнинг миқдорига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2-моддасига кўра, умуминсоний қадриятлар жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объектлари бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик, маъмурий, меҳнат, молия, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг объекти эса жиноят объектидан кенгроқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2 ва 10-моддаларига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамоат тартиби, бошқарувнинг белгиланган тартиби ва ҳоказолар ҳисобланади. Бу ҳуқуқ соҳасининг умумий объекти – жамият ҳаётининг маълум бир соҳасидаги фуқароларнинг юриш-туриш қоидалари ҳисобланади [2.5-b].

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти эса Фуқаролик кодексининг

2-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унга фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлар ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқлар киради [3.4-b].

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар эса жамият ва давлатнинг молиявий тизимига зарар етказадиган ижтимоий муносабатлардир.

Оила ҳуқуқининг муҳофаза қилиш объекти оила-никоҳга оид муносабатлар ҳисобланади.

Интизомий хатти-ҳаракатлар давлат ва хизмат интизомига тажовуз қилинади. Улар қонун, қонуности актлари ва ваколатли мансабдор шахс томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар билан қўриқланади. Интизомий хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик кўпроқ меҳнат қонунчилиги ва ҳарбий уставларда назарда тутилган бўлади.

Демак, жиноят бошқа ҳуқуқбузарликлардан биринчи навбатда объекти билан фарқ қилиб, жиноятнинг объекти умуминсоний қадриятлар ҳисобланса, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг объектлари эса анча кенгроқ бўлади.

Ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра, жиноят маълум бир даражада ижтимоий хавфли бўлган бошқа ҳуқуқбузарликлардан кўра жамиятга кўпроқ зарар етказиши билан ажралиб туради.

Ижтимоий хавфлилик даражаси – жиноят ва ҳуқуқбузарлик бир хил бўлиб қолганида (уларни ажратиш имкони бўлмаганида) жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи асосий мезон ҳисобланади. Айнан ижтимоий хавфлилик барча ҳуқуқбузарликларнинг моддий-ижтимоий таркиби ва белгиси ҳисобланади. Масалан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳам жиноят (ЖК 182-м.), ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик (МЖТК 22721, 22722-м.1-қ.) ҳисобланади.

Ижтимоий хавфлилик хусусияти – тажовуз объектини белгилаб бериб, жиноий ҳуқуқбузарликлар сирасига кирувчи қилмишларни аниқлаш имконини беради.

Демак, жиноятлар бошқа ҳуқуқбузарликлардан ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти билан фарқ қилиб, жиноят туфайли бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан кўпроқ зарар етказилади (айб ғайриижтимоий, мотиви ўзгармас, содир этиш усули эса ўта шафқатсизлик билан амалга оширилади). Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликдан фарқлашда ижтимоий хавфлиликнинг асосий элементи шахс, жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарнинг миқдори ҳисобланади. Масалан, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан бир кеча-кундуздан ўн кеча-кундузгача ташлаб кетилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 287-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади, агар бундай муддат бир кеча-кундузгача бўлса, у интизомий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Қонунда жиноятларни ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи субъектив белгилар: айбнинг шакли, мақсад ва мотивининг ўзгармаслиги каби ҳолатларни белгилаб қўйилган. Масалан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноят бўлса, (ЖК 109-м.), эҳтиётсизлик орқасида баданга енгил шикаст етказиш фуқаровий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (ФК 1003, 1004-м.).

Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи яна бир белги – уларнинг ҳуқуққа хилофлилик хусусияти ҳисобланади.

Фақат жиноят содир этилганида судланганликни вужудга келтирувчи жиноий жазони қўллаш мумкин, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий санкциялари эса ҳеч қачон “судланганлик”ни келтириб чиқармайди. Бундан ташқари, жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Демак, жиноятлар фақат жиноят қонунчилиги билан тақиқланади ва жазо қўллаш таҳдидини келтириб чиқаради. Шунингдек, бошқа ҳуқуқбузарликлар (маъмурий, интизомий, фуқаровий) учун белгиланган санкциялар жиноят қонунчилиги санкциялари каби оғир эмас [4.65-b].

Масалан, МЖТКга кўра, фуқароларга солинадиган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмаслиги керак, Жиноят кодексида эса жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорида белгиланган.

Жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлашнинг моддий мезони ҳуқуқбузарлик оқибатида юзага келган зарар ҳажми ҳисобланади.

Жиноятлар ҳамма вақт ҳам бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамиятга кўпроқ зарар етказади, жиноятчиларнинг айби хавфлироқ, мотиви ўзгармас, қилмиш

(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этиш усули эса кўполроқ, яъни хавфлироқ ҳисобланади.

Жиноий оқибатларни белгилашда қонун чиқарувчи томонидан ҳар хил атама ва тушунчалар ишлатилган. Масалан, Жиноят кодексининг “Соғлиққа қарши жиноятлар” бобида – “зиён”, “ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli жиноятлар” бобида – “шикаст”, “бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бобида эса – “кўп миқдорда зарар, жиддий зиён” кабилар.

Зарар мураккаб хусусиятга эга бўлган ҳолатларда, масалан, одил судловга қарши, давлат ва экология хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларда “оғир оқибатлар” атамаси билан изоҳланади. Бошқа ҳуқуқ соҳаларида эса бундай атама ва сўзларни учратиш қийин ёки улар мавжуд эмас.

Айнан етказилган зарарга қараб, ҳуқуқбузарлик жиноят деб топилиши мумкин. Бундай зарар бўлмаганида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос мавжуд бўлмайди.

Айрим ҳолларда зарарнинг миқдори Жиноят кодекси нормаларида аниқ кўрсатилган бўлади. Масалан, Жиноят кодексининг 175, 180-182, 185, 205-209-моддаларида содир этилган қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун кўп миқдорда ёки жиддий зарар етказилиши талаб қилинади.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик жарима ва зарарни қоплаш кўринишидаги жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган, шахсий ва шахсий номулккий ҳуқуқлар билан боғлиқ мулккий муносабатларнинг бузилишидир. Жиноятларни фуқаровий ҳуқуқбузарликлардан турли шаклдаги мулкка етказилган зарар билан боғлиқ мулкка қарши ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ажратиб туради.

Жиноятларни ҳуқуқбузарликлардан фарқлашга мисол сифатида оила-никоҳ муносабатлари соҳасида ота-оналар ва болаларнинг мажбуриятларини келтириш мумкин. Оила кодексига кўра, ота-оналар ўзларининг вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз вояга етган, аммо ёрдамга муҳтож фарзандларини боқишга мажбур. Меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлар ҳам ўзларининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари шарт. Бундай мажбуриятларнинг бузилиши Жиноят кодекси 122, 123-моддаларида назарда тутилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда содир этилган ғайриқонуний қилмиш шахсининг ҳуқуқ ва манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, бундай қилмиш жиноят деб, агар бундай оқибат мавжуд бўлмаса, унда бундай қилмиш интизомий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади [5.211-b].

Ўзбошимчалик шахс, жамият ва давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, жиноят деб (Жиноят кодекси 229-моддаси), бундай оқибат мавжуд бўлмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деб (МЖТК 200-м.) топилади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш анча миқдорда содир этилса, жиноят бўлиши мумкин (ЖК 184-м.), анча миқдордан кам бўлган миқдорда содир этилса, солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Жиноятларнинг ғайриахлоқий қилмишлардан фарқи. Ғайриахлоқий қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятларга нисбатан пастроқ ҳисобланади, ундан келиб чиққан зарар эса ижтимоий-руҳий хусусиятга эга: инсон шаъни ва қадр-қимматининг камситилиши, худбинлик ва ҳоказолар.

Жиноятдан ғайриахлоқий қилмишларни фарқловчи энг муҳим белги “ғайриҳуқуқийлик” ҳисобланади. Жиноятлар жиноят қонунчилиги билан тақиқлаб қўйилган бўлса, ғайриахлоқий қилмишлар ҳуқуқий нормалар билан умуман тартибга солинмайди. Ахлоқ нормалари ёзма ва оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Масалан, Гиппократ қасамёди – шифокорларнинг ахлоқ кодекси, журналистларнинг ахлоқ кодекси, давлат идораларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳоказолар.

Жиноят кодексидаги “инсонпарварлик принципи”ни белгилашда қонун чиқарувчи ахлоқ нормаларига таянади.

Демак, жиноят бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ғайриахлоқий қилмишлардан қуйидаги белгилар билан фарқ қилади:

- 1) умумий объектига кўра (жиноятнинг объекти фақат умуминсоний кадриятлар бўлса, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг объекти анча кенгрокдир);
- 2) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра (жиноят туфайли бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамиятга кўпроқ, оғирроқ зарар етказилади);
- 3) ғайриҳуқуқийлигига кўра (жиноятлар фақат Жиноят кодекси билан тақиқланса, бошқа ҳуқуқбузарликлар қонуности меъёрий ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади, ғайриахлоқий қилмишлар эса ахлоқ нормаларида белгиланган бўлади);
- 4) етказилган зарарнинг миқдорига кўра (жиноятлар туфайли бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан жамиятга кўпроқ зарар етказилади) [6. 171-б].

Жиноят сиёсатини амалга оширишда аввал жиноятлар деб ҳисобланмаган қилмишларни жиноятлар деб эътироф этиш, яъни криминализация, ва аввал жиноятлар деб эътироф этилган қилмишларни жиноятлар эмас деб ҳисоблаш, яъни декриминализация қилинади. Шунингдек, пенализация, оғирроқ жазоларни жорий этиш, яъни жавобгарликни кучайтириш. Бунда жазо жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра белгиланиши назарда тутилади. Депенализация, яъни айрим моддаларда жазонинг айрим турларини бекор қилиш ёки жазо муддатини камайитириш усулларида фойдаланилади [7.211-б]. Масалан, жамоат хавфсизлиги ёки суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш масаласида айрим қилмишлар учун жавобгарлик оғирлаштирилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бу соҳа билан боғлиқ жиноий жазолар либераллаштирилади.

Шу ўринда божхона амалиётда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти бўйича жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилишда айрим муаммолар

мавжуд бўлиб, келгусида қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси диспозиция қисмида товарларни божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Амалиётда, мамлакат ҳудудида жойлашган божхона постларида эркин муомалага чиқариш учун олиб келинган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказилишида декларацияда кўрсатилганидан ортиқча ёки кўрсатилмаган ҳолатлар Жиноят кодексининг 182-моддаси билан квалификация қилинмоқда.

Божхона кодексининг 195-моддасига мувофиқ божхона кўриги ўтказилаётганда товарнинг амалдаги миқдори уни декларациялашда кўрсатилган товар миқдорига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, божхона органи божхона мақсадлари учун товарнинг амалдаги миқдорини мустақил равишда аниқлайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда Божхона кодексининг 195, 265-266 ва 369-моддаларига асосланиб, Жиноят кодекси 182-моддасини қуйидаги, яъни “Ушбу модданинг биринчи қисми ва иккинчи қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни биринчи маротаба содир этган шахс, жиноят аниқланган кундан бошлаб ўттиз сутка ичида товар ва бошқа қимматликларни белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказиб, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг ўрнини тўлиқ ҳажмда қопласа, жавобгарликдан озод этилади.” деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг товар-моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинмасдан тадбиркор томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши натижасида уларнинг иқтисодий ва ишчанлик фаолиятига кенг йўл яратилишидан ташқари, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг бюджетга ўтказилиши ўз-ўзидан жиноят содир этилишининг мотиви ва мақсадини қисман бекор қилиб, қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтиради, яъни давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига реал зиён етказилишининг самарали олди олинishi таъминланади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳукуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2015. Б.476. [Rustamboev M.H. Criminal law (General part) Course book high educational institutions. Tashkent.: “ILM ZIYO”, 2015. P.476].
2. <https://www.lex.uz/acts/97664>.
3. <https://lex.uz/acts/111189>.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.: ”Адолат”, 2016. Б.606. [Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan Т.:”Adolat”, 2016. P.606.]

5. “Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”. Коллектив авторлик. Дарслик. – Т.: Божхона институти. 2021. Б. 492. [“Law enforcement activities of customs authorities “. Author team. Text-book. –Т .: Customs intitute. 2021. P. 492]

6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Муаллифлар жамоаси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “Адолат”, 2021. Б.276. [Criminal law (General part). The team of authors. Textbook for high educational institutions. Т.: “Adolat”, 2021. P.276.]

7. Catherine Yelllott and Frances Quinn. Criminal law. Yengland. Kingston University. 2014 . P-218.